

Yashil

IQTISODIYOT va TARAQQIYOT

ijtimoiy, iqtisodiy, siyosiy, ilmiy, ommabop jurnal

2
0
2
4

**“YASHIL” IQTISODIYOTGA O‘TISHDA INNOVATSIYALARNI
KENG JORIY QILISH VA BARQAROR IQTISODIYOTNI
INSTITUTSIONAL TARAQQIY ETTIRISH DOLZARBLIGI**

**INSTITUTIONAL DEVELOPMENT OF A SUSTAINABLE
ECONOMY AND WIDE IMPLEMENTATION OF INNOVATIONS
DURING THE TRANSITION TO A GREEN ECONOMY**

**ИНСТИТУЦИОНАЛЬНОЕ РАЗВИТИЕ УСТОЙЧИВОЙ
ЭКОНОМИКИ И ШИРОКОЕ ВНЕДРЕНИЕ ИННОВАЦИЙ ПРИ
ПЕРЕХОДЕ К “ЗЕЛЕННОЙ” ЭКОНОМИКЕ**

Onlayin xalqaro ilmiy-amaliy konferensiya materiallari

2024-yil 20-may



MAXSUS SON



74-91 xalqaro daraja
ISSN: 2992-8982



Yashil

IQTISODIYOT va TARAQQIYOT

Ijtimoiy, iqtisodiy, siyosiy, ilmiy, ommabop jurnal

Bosh muharrir:

Sharipov Kongiratbay Avezimbetovich

Bosh muharrir o'rinbosari:

Karimov Norboy G'aniyevich

Muharrir:

Qurbonov Sherzod Ismatillayevich

Tahrir hay'ati:

Salimov Oqil Umrzoqovich, O'zbekiston fanlar akademiyasi akademigi
Abduraxmanov Kalandar Xodjayevich, O'zbekiston fanlar akademiyasi akademigi
Rae Kvon Chung, Janubiy Korea, TDIU faxriy professori, "Nobel" mukofoti laureati
Osman Mesten, Turkiya parlamenti a'zosi, Turkiya – O'zbekiston do'stlik jamiyati rahbari
Sharipov Kongiratbay Avezimbetovich, t.f.d., prof., O'zR Oliy ta'lim, fan va innovatsiyalar vaziri
Buzrukxonov Sarvarxon Munavvarxonovich, i.f.d., O'zR Oliy ta'lim, fan va innovatsiyalar vaziri o'rinbosari
Axmedov Durbek Kudratillayevich, i.f.d., prof., O'zR Oliy Majlisi qonunchilik palatasi deputati
Xudoyqulov Sadirdin Karimovich, i.f.d., prof., TDIU YoMMIB birinchi prorektori
Abduraxmanova Gulnora Kalandarovna, i.f.d., prof., TDIU Ilmiy ishlar va innovatsiyalar bo'yicha prorektori
Kalonov Muxiddin Baxritdinovich, i.f.d., prof., "O'IRIAM" ilmiy tadqiqot markazi direktori – prorektor
Yuldashev Mutallib Ibragimovich, i.f.d., TMI professori
Samadov Asqarjon Nishonovich, i.f.n., TDIU professori
Slizovskiy Dimitriy Yegorovich, t.f.d., Rossiya xalqlar do'stligi universiteti professori
Mustafakulov Sherzod Igamberdiyevich, i.f.d., prof., Xalqaro "Nordik" universiteti rektori
Aliyev Bekdavat Aliyevich, f.f.d., TDIU professori
Axmedov Ikrom Akramovich, i.f.d. TDIU professori
Po'latov Baxtiyor Alimovich, t.f.d., profesor
Eshtayev Alisher Abdug'aniyevich, i.f.d., TDIU professori
Isakov Janabay Yakubbayevich, i.f.d., TDIU professori
Musyeva Shoira Azimovna, SamDu IS instituti professori
Axmedov Javohir Jamolovich, i.f.f.d., "El-yurt umidi" jamg'armasi ijrochi direktori o'rinbosari
Toxirov Jaloliddin Ochil o'g'li, t.f.f.d., TAQU katta o'qituvchisi
Xalikov Suyun Ravshanovich, i. f. n., TDAU dotsenti
Kamilova Iroda Xusniddinovna, i.f.f.d., TDIU dotsenti
Nosirova Nargiza Jamoliddin qizi, i.f.f.d., TDIU dotsenti
Rustamov Ilhomiddin, f.f.n., Farg'ona davlat universiteti dotsenti
Fayziyev Oybek Raximovich, i.f.f.d. (PhD), Alfraganus universiteti dotsenti
Sevil Piriyeva Karaman, PhD, Turkiya Anqara universiteti doktoranti
Mirzaliyev Sanjar Maxamatjon o'g'li, TDIU mustaqil tadqiqotchisi
Utayev Uktam Choriyevich, O'zR Bosh prokuraturasi boshqarma boshlig'i o'rinbosari
Ochilov Farxod, O'zR Bosh prokuraturasi iqtisodiy jinoyatlarga qarshi kurashish departamenti bo'limi boshlig'i
Yaxshiboyeva Laylo Abdisattorovna, TDIU katta o'qituvchisi

Ekspertlar kengashi:

Berkinov Bazarbay, iqtisodiyot fanlari doktori, professor
Hakimov Ziyodulla Ahmadovich, i.f.d, TDIU dotsenti
Tuxtabayev Jamshid Sharafetdinovich, i.f.f.d, TDIU dotsenti
Xamidova Faridaxon Abdulkarim qizi, i.f.d., TMI dotsenti
Babayeva Zuhra Yuldashevna, TDIU mustaqil tadqiqotchisi

Muassis: "Ma'rifat-print-media" MChJ

Hamkorlarimiz: Toshkent davlat iqtisodiyot universiteti, O'zR Tabiat resurslari vazirligi, O'zR Bosh prokuraturasi huzuridagi IJQK departamenti.



II shu'ba

“YASHIL” IQTISODIYOTGA INNOVATSIYALARNI KENG JORIY ETISHDA ILMIY TADQIQOT ISHLARINING LOYIHAVIY ISTIQBOLLARI

Section II

DESIGN PERSPECTIVES FOR RESEARCH WORK ON THE WIDE IMPLEMENTATION OF INNOVATIONS IN THE GREEN ECONOMY

II секция

ПРОЕКТНЫЕ ПЕРСПЕКТИВЫ НАУЧНО- ИССЛЕДОВАТЕЛЬСКИХ РАБОТ ПО ШИРОКОМУ ВНЕДРЕНИЮ ИННОВАЦИЙ В “ЗЕЛЕНУЮ” ЭКОНОМИКУ

PROGRESS
PECC





ЎЗБЕКИСТОННИНГ СОЛИҚ СИЁСАТИ – МАКРОИҚТИСОДИЙ БАРҚАРОРЛИКНИ ТАЪМИНЛАШНИНГ МУҲИМ ОМИЛИДИР

Ҳотамов Алишер Фарходович

ТДИУ тадқиқотчиси

Аннотация: Ўзбекистонда янги солиқ ислохотларини амалга оширишга киришилганига етти йиллик давомида солиқ тўловчилар зиммасидаги солиқ юкини босқичма-босқич камайтириш, солиқ маъмурчилигининг содда-лаштирилиши натижасида солиқ тизимининг рағбатлантирувчилик хусусияти, давлат бюджетига солиқ тушумлари инфляция кўрсаткичларидан юқори суръатда ошиб бормоқда. Шу билан биргаликда, бу борада муаян илмий-амалий айрим муаммолар ҳам мавжуддир. Ушбу мақолада мана шу жиҳатларга эътибор берилди.

Калит сўзлар: макроиқтисодий барқарорлик, солиқ тушумлари, солиқ ислохоти, иқтисодий ўсиш, солиқ сиёсати, солиққа тортиш, солиқ маъмурчилиги, солиқ имтиёзлари, инсофли солиқ тўловчи, солиқ тўлашдан қочиш, солиқ стратегияси, солиқ сиёсати тактикаси.

Abstract: Ver the seven years since new tax reforms were introduced in Uzbekistan, the tax system has become more attractive as a result of a gradual reduction in the tax burden on taxpayers and simplification of tax administration. Tax revenues to the state budget are growing faster than inflation. At the same time, there are certain scientific and practical problems in this regard. This article focuses on these aspects.

Key words: macroeconomic stability, tax revenues, tax reform, economic growth, tax policy, taxation, tax administration, tax incentives, honest taxpayer, tax evasion, tax strategy, tax policy tactics.

Аннотация: За семь лет, прошедших с момента проведения новых налоговых реформ в Узбекистане, налоговая система стала более привлекательной в результате постепенного снижения налоговой нагрузки на налогоплательщиков и упрощения налогового администрирования. Налоговые поступления в госбюджет растут быстрее инфляции. В то же время в этом отношении существуют определенные научные и практические проблемы. В данной статье основное внимание уделяется этим аспектам.

Ключевые слова: макроэкономическая стабильность, налоговые поступления, налоговая реформа, экономический рост, налоговая политика, налогообложение, налоговое администрирование, налоговые льготы, честный налогоплательщик, уклонение от уплаты налогов, налоговая стратегия, тактика налоговой политики.

Халқаро валюта жамғармаси, Жаҳон банки, Осиё тараққиёт банки ва бошқа халқаро ташкилотларнинг Ўзбекистон иқтисодиётидаги ўзгаришлар бўйича ҳисоботларида келтирилган тавсиялари, шунингдек, макроиқтисодий кўрсаткичларнинг миллий прогнозларига кўра, давом этаётган глобал сиёсий ва иқтисодий вазиятлар фонида Ўзбекистон иқтисодиётининг ўсиш суръати 2023–2024 йилларда 5,6-6,0 фоизни ташкил этиб, 2025–2026 йилларда мос равишда 6,2–6,4 фоизгача етиши прогноз қилинган. Халқаро валюта жамғармасининг прогнозларига кўра, дунё бўйлаб марказий банклар томонидан инфляция ошишига қарши чораларнинг кўрилиши натижасида глобал инфляция даражаси 2022 йилги ўртача 8,7 фоиздан 2023-йилда 6,9 фоизгача ва 2024-йилда 5,8 фоизгача тушиши, бироқ пандемиядан олдинги даврдан (2017–2019-йиллардаги 3,5 фоиз) юқори даражада бўлиши кутилмоқда. Глобал инфляция даражасининг тушишига асосий омил сифатида жаҳон бозоридаги озиқ-овқат ва бошқа турдаги асосий товарларнинг нархларида пасайиш кузатилаётгани билан изоҳланади.

Ташқи иқтисодий ва сиёсий вазиятнинг мамлакатимиз иқтисодиётига таъсири ва уни юмшатиш мақсадида бизнесга берилаётган имтиёз ва преференцияларга қарамасдан, Ўзбекистоннинг асосий экспорт товарлари ҳисобланадиган олтин, мис ва табиий газ нархларининг дунё бозорида барқарор қолишига ва кейинги йилларда солиқ маъмурчилиги кучайтирилиши натижасида бюджет даромадлари 2023 йилда кутилаётган ижроси тасдиқланган прогнозга нисбатан 993,0 млрд сўмга кўп бажарилиши кутилмоқда¹.

1 Сабаби Давлат бюджети ижроси бўйича ҳисобот 2024 йилнинг 1 апрелига қадар муддатни ўз ичига олади.



Глобал иқтисодий ноаниқликлар оқибатида Ўзбекистоннинг ташқи савдо операцияларидаги узилишлар, асосий истеъмол товарларининг нархлари ошиши билан мамлакат ичида юзага келаётган ижтимоий-иқтисодий муаммоларни бартараф этиш ҳамда аҳолининг тўлов қobiliяти барқарорлигини таъминлаш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан бир қатор фармон ва қарорлар қабул қилинди.

Шулардан келиб чиқиб, 2023-йилги консолидациялашган бюджет кўрсаткичлари, жумладан, Давлат бюджети харажатлари қайта кўриб чиқилиб, харажатлар йил охиригача 9,5 фоизга ошиши, консолидациялашган бюджет тақчиллиги ялпи ички маҳсулотга нисбатан 60, фоизни ташкил этди.

2024 йилда консолидациялашган бюджет даромадлари прогнози 375,0 трлн сўм, (шундан, давлат бюджети даромадлари 270 трлн сўм) харажатлари прогнози 427,5 трлн сўм миқдорида, консолидациялашган бюджет – умумий фискал баланси ялпи ички маҳсулотга нисбатан 4,0 фоиз миқдорида тақчиллик билан режалаштирилди.

Узоқ муддатли даврда макроиқтисодий ва бюджет барқарорлигига эришиш учун тақчилликни ўрта муддатли даврда ўртача 3 фоиздан ошмаслигини таъминлаш, бунинг учун бюджет маблағларини мақбуллаштириш, даромадлар базасини кенгайтириш, самарасиз солиқ имтиёзлари ва преференцияларини бекор қилиш орқали тақчиллик миқдорини босқичма-босқич пасайтириб бориш зарур бўлади.

1-жадвал: Солиқ гуруҳлари бўйича солиқ тушумларининг фискал улуши таҳлили²

№	Кўрсаткичлар	2018 йил	2019 йил	2020 йил	2021 йил	2022 йил
1	ЯИМ (Ялпи ички маҳсулот)	424 729	529 391	602 551	734 588	888 342
2	Давлат бюджети даромадларининг ЯИМдаги улуши, %	18,6	21,2	22,1	22,4	22,7
3	Бевосита солиқларнинг ЯИМдаги улуши, %	3,6	6,0	7,5	8,0	7,3
4	Бевосита солиқларнинг жами бюджет даромадларидаги улуши, %	19,5	28,2	34,0	35,8	31,9
5	Билвосита солиқларнинг ЯИМдаги улуши, %	9,6	8,8	7,7	7,7	8,0
6	Билвосита солиқларнинг жами бюджет даромадларидаги улуши, %	51,8	41,4	34,9	34,2	35,3
7	Ресурс солиқларининг ЯИМдаги улуши, %	3,0	3,7	3,5	3,1	2,7
8	Ресурс солиқларининг жами бюджет даромадларидаги улуши, %	16,0	17,5	16,0	14,0	11,8
9	Бошқа даромадларнинг ЯИМдаги улуши, %	2,4	2,7	3,3	3,6	4,8
10	Бошқа даромадларнинг жами бюджет даромадларидаги улуши, %	12,7	12,9	15,1	16,0	21,0

Ушбу келтирилган 1-жадвал маълумотларидан кўриш мумкинки, республикада макроиқтисодий барқарорликни таъминлашга қаратилган изчил иқтисодиёт сиёсат солиқ сиёсати орқали солиқ тушумларига ҳам таъсири ижобий жиҳатдан бўлган. Бу ҳолат 2023 йилдаги фискал сиёсатнинг натижаларида ҳам акс этган. Жумладан, 2023 йилда Давлат бюджети даромадлари прогноз кўрсаткичларига нисбатан 100,4 фоизга бажарилиб, ҳақиқатда ижроси 233,6 трлн сўм бўлиши кутилмоқда. Бу ўтган йилги даромадларга нисбатан 31,7 млрд сўмга ёки 15,7 фоизга ошган. Бунда Бевосита солиқлар бўйича тушумлар белгиланган прогноз кўрсаткичларига нисбатан 736 млрд сўмга кам ёки 99,0 фоизга бажарилиб, ҳақиқатда ижроси 73,3 трлн сўм бўлиши кутилмоқда. Бу ўтган йилги даромадларга нисбатан 8,9 трлн сўмга ёки 13,8 фоизга кўпайган бўлса, Билвосита солиқлар бўйича тушумлар белгиланган прогноз кўрсаткичларига нисбатан 3,3 трлн сўм кам ёки 96,3 фоизга бажарилиб, ҳақиқатда ижроси 85,9 трлн сўм бўлиши кутилмоқда. Бу ўтган йилги даромадларга нисбатан 14,5 трлн сўмга ёки 20,3 фоизга ошириб бажарилган.

Фикримизча, 2023 йилдаги солиқ тушумларининг бундай ҳолати қуйидаги омиллар ҳисобига рўй берди деб ҳисоблаш мумкин: Яъни, қўшилган қиймат солиғи ставкаси 15 фоиздан 12 фоизгача пасайтирилиши, айланмадан олинadиган солиқни 4-25 фоизлик ставкалари ўрнига ягона 4 фоизлик солиқ ставкаси ўрнатилди. Бунда, айланмадан олинadиган солиқнинг 3 ва 1 фоизлик солиқ ставкаси сақлаб қолиниши, алкоголь ва тамаки ҳамда бензин, дизель ёқилғиси ва газни ишлаб чиқаришда акциз солиғи ставкаси 10 фоизга индексация қилиниши, маҳаллий ва импортга белгиланган акциз солиғи ставкаларини тенглаштириш мақсадида алкоголь ва тамаки маҳсулотлари импорти учун ставка 5 фоизга пасайтирилиши, қатъий белгиланган миқдорда солиқ тўлайдиган якка тартибдаги тадбиркорлар учун

2 Иқтисодиёт ва молия вазирлиги маълумотлари асосида муаллиф томонидан тузилган.



жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғи ставкалари 10 фоизга индексация қилиниши, мол-мулкни ижарага берувчи жисмоний шахслар учун белгиланган ижара тўловининг энг кам ставкалари турар жойлар бўйича 1-1,1 баробарга (қишлоқ жойларда 1,1 баробарга, Тошкент шаҳрида 1 баробарга), нотурар жойлар бўйича 1-1,1 баробарга индексация қилиниши, қишлоқ хўжалиги ерларини суғориш ва балиқларни ўстириш (етиштириш) учун фойдаланиладиган сув ҳажми бўйича сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқ ставкаси 45 сўм миқдорида белгиланиши, турар жой фонди, кўп квартирали уйларга узвий боғлиқ бўлган автомашина турар жойлари бўйича жисмоний шахслардан олинадиган мол-мулк солиғи, қишлоқ хўжалигига мўлжалланмаган ерлар учун ер солиғи базавий ставкалари, сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқ ставкалари ўртача 10 фоизга индексация қилиниши, бунда, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари томонидан базавий ставкаларга камайтирувчи ва оширувчи коэффициентларни қўллаган ҳолда уларнинг иқтисодий ривожланишига қараб, солиқ ставкаларининг аниқ миқдорини аниқлаш ҳуқуқи сақлаб қолинганлиги ва шу каби омилларнинг таъсир қилган.

Ушбу келтирилган таҳлиллар ва омиллардан кўринадики, республикамиз солиқ тизимида макро-иқтисодий барқарорликни таъминлашда солиқлар муҳим роль ўйнайди. Назарий жиҳатдан олганда солиқлар ЯИМнинг бир қисмини уни ишлаб чиқарувчилар ва жамиятнинг бошқа аъзолари ўртасида қайта тақсимласада, шу билан биргаликда солиқ тизими ҳар қайси олинган миллий иқтисодиёт барқарорлиги таъминлашда катта аҳамиятга эга бўлади. Шу жиҳатдан олганда бизнинг фикримизча, Ўзбекистон солиқ тизимининг миллий иқтисодиётимизнинг барқарорлигини оширишда қуйидагиларга алоҳида эътибор қаратиш мақсадга мувофиқдир:

биринчидан, солиқ тизимининг тартибловчилик ва рағбатлантирувчилик ролини ўзаро мутаносиб равишда қўллаш, бунда рағбатлантирувчиликнинг самарадорлик даражасини эътиборга олиниши керак;

иккинчидан, ЯИМ ва солиқ тушумлари ўртасидаги узвий боғлиқлик таъминлашда ички эндоген омиллар билан бир қаторда ташқи экзоген омилларни ҳам эътиборга олиш мақсадга мувофиқдир. Сабаби Ўзбекистоннинг ташқи савдо ҳамкорларидаги конъюнктуравий ўзгаришлар, провард натижада солиқ тушумларига таъсир қилади, шу жиҳатдан бу ҳолатни алоҳида таҳлил қилган ҳолда ташқи савдо сиёсатининг хусусиятлари ҳисобга олиб бориш лозим;

учинчидан, солиқ ставкаларининг барқарорлигини камида беш йилга ўзгармасдан сақлаб қолиш амалиётига ўтиш керак. Сабаби худди ўрта муддатли бюджетни режалаштириш сингари солиқ тўловчилар ҳам солиқ ставкаларидаги келгусидаги ўзгаришларни ҳисобга олган ҳолда ўзларининг ички солиқ тўлаш бўйича молиявий сиёсатини ишлаб чиқишда бунга йўналиш олиш орқали солиқ тўловларини оптимал режалаштириш имкони пайдо бўлади.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Ўзбекистон Республикасининг Солиқ кодекси. Ўзбекистон Республикаси 2019 йил 30 декабрдаги ЎРҚ-599-сон Қонуни билан тасдиқланган.
2. Ўзбекистон Республикасининг Бюджет кодекси. Ўзбекистон Республикаси 2013 йил 26 декабрдаги ЎРҚ360сон Қонуни билан тасдиқланган.
3. Ўзбекистон Республикасининг 2022 йил 30 декабрдаги “Солиқ ва бюджет сиёсатининг 2023 йилга мўлжалланган асосий йўналишлари қабул қилинганлиги муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида”ги ЎРҚ-812-сон Қонуни.
4. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги ПФ-60-сон “2022–2026 йилларга мўлжалланган янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида”ги Фармони.
5. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 29 июндаги ПФ-5468-сонли “Ўзбекистон Республикасининг солиқ сиёсатини такомиллаштириш концепцияси тўғрисида”ги фармони.
6. <http://www.soloq.uz>-(Давлат солиқ қўмитаси сайти).
7. <http://www.mf.uz>-(Молия вазирлиги сайти).
8. <http://www.stat.uz>-(Давлат статистика қўмитаси сайти).
9. <http://www.lex.uz> – (Ўзбекистон Республикаси Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси).



MUNDARIJA

I shu'ba

IJTIMOY-IQTISODIY BARQAROR RIVOJLANISH MAQSADLARIGA ERISHISH UCHUN "YASHIL" IQTISODIYOTGA JADAL O'TISH

Section I

ACCELERATED TRANSITION TO A GREEN ECONOMY TO ACHIEVE SOCIO-ECONOMIC SUSTAINABLE DEVELOPMENT GOALS

I секция

УСКОРЕННЫЙ ПЕРЕХОД К "ЗЕЛеной" ЭКОНОМИКЕ ДЛЯ ДОСТИЖЕНИЯ ЦЕЛЕЙ СОЦИАЛЬНО-ЭКОНОМИЧЕСКОГО УСТОЙЧИВОГО РАЗВИТИЯ

The Development of Marketing Innovations in Retail Trade	4
Shakhriyor Sadullaev, Sadullayeva Shahrizoda	
Направления совершенствования стратегии компании для успешной организации IPO	9
Шахзод Сайдуллаев	
"Yashil iqtisodiyot"ni rivojlantirishning iqtisodiy mexanizmini takomillashtirish	11
Abdurahmonov Xolboy To'xtayevich	
Тўқимачилик саноати кластерлари инновацион фаолиятининг барқарор ривожланиш муаммолари ва ечимлари	14
Икрамов Мақсад Муратович	
O'zbekistonda chakana savdo korxonalarini rivojlanishi va innovatsion faoliyati	20
Karimov Baxrom Ilxomjonovich	
Unveiling the Dynamics of Agglomeration Economies in Sustainable Development	24
Khakimov Ziyodulla Akhmadovich	
Kimyo tolalari asosida to'qimachilik mahsulotlari bozorini diversifikatsiyalash usullari	28
Raximov Furqat Jalolovich	
Qashqadaryo viloyatida Safari turizmini rivojlantirish dinamikasini o'rganish	32
Ro'ziyev Bobir Akramovich	
Брендни шакллантириш ва ривожлантириш бўйича замонавий маркетинг назариялари ва стратегиялари	34
Зияева Шахло Шоакбар қизи	
The Development of Marketing Innovations in Retail Trade	37
Shakhriyor Sadullaev, Sadullayeva Shahrizoda	
Ногиронлиги бор шахсларни давлат томонидан қўллаб-қувватлаш масалалари	42
Каримов Бекзоджон Илхомович	
Ichki turizmni rivojlanlantirish tashkiliy mexanizmining asosiy prinsiplari	45
Dehqonov Burxon Rustamovich	
"Yashil" iqtisodiyotga o'tishda ko'zi ojizlar bandligining innavatsion yechimi	48
Usmonov Ziyodulla Ulmas o'g'li	
Аудиторлик текширувини халқаро стандартлар асосида ташкил этиш хусусиятлари	51
Исмоилова Феруза Исроиловна	



II shu'ba

“YASHIL” IQTISODIYOTGA INNOVATSIYALARNI KENG JORIY ETISHDA
ILMIY TADQIQOT ISHLARINING LOYIHAVIY ISTIQBOLLARI

Section II

DESIGN PERSPECTIVES FOR RESEARCH WORK ON THE WIDE IMPLEMENTATION
OF INNOVATIONS IN THE GREEN ECONOMY

II секция

ПРОЕКТНЫЕ ПЕРСПЕКТИВЫ НАУЧНО-ИССЛЕДОВАТЕЛЬСКИХ РАБОТ
ПО ШИРОКОМУ ВНЕДРЕНИЮ ИННОВАЦИЙ В “ЗЕЛЕНУЮ” ЭКОНОМИКУ

Ta'minot zanjirini boshqarishda transport logistikasi usullarini takomillashtirish.....	56
Zoxidova Nazokat Berdimurot qizi	
Rivojlanayotgan mamlakatlarda fond bozorining rivojlanishi tahlili.....	58
Axmedov Doniyorbek Ulugbek o'g'li	
Davlat moliyasini boshqarishda moliyaviy nazorat usullaridan samarali foydalanish yo'llari.....	60
Kultayev Farxod Shavkatovich	
Янги Ўзбекистонда инсон экологиясини юксалтиришнинг инновацион механизмлари.....	62
Ҳакимов Назар Ҳакимович, Раҳмонов Дўстмурод Абдиназарович	
Тадбиркорлик субъектларини ривожлантиришда саноат ипотекасининг ўрни.....	67
Султанов Баҳром Бегдуллаевич	
Ижтимоий ҳимояни ривожлантиришда янги ёндашувлар.....	70
Каримов Бекзоджон Илхомович	
Капитал бозорини ривожлантириш масалалари.....	72
Турдиева Узайда Омирбаевна	
Инновацион тараққиёт йўлига ўтиш даврида меҳнатга ҳақ тўлашнинг рағбатлантирувчи таъсирини оширирилиши.....	74
Алимжон Қулматов	
Zamonaviy logistika tizimida marketing strategiyalaridan foydalanishni takomillashtirish.....	78
Xasanov Sarvar Ulug'bek o'g'li	
The Development of Marketing Innovations in Retail Trade.....	81
Shakhriyor Sadullaev, Sadullayeva Shahrizoda	
Innovatsion rivojlanishni baholovchi statistik ko'rsatkichlar tizimini takomillashtirish (xorij tajribasi).....	86
Nuriddinov Zufar Akbarovich	
Махсус иқтисодий зоналар фаолияти самарадорлигини ошириш борасида амалга оширилаётган ишлар тўғрисида.....	90
Давлаев Ғолиб Ашурович	
Hududlarning iqtisodiy jihatdan rivojlantirishda “yashil” iqtisodiyot va “yashil” ish o'rinlarining ahamiyati.....	92
Shomirzayev Abdug'affor Abdujabbor og'li	
Innovatsion menejment va raqamli transformatsiyalar jarayonlarini samarali boshqarish yo'llari.....	94
Safarova Dilfuza Baxramovna	
Ижтимоий харажатларни молиялаштиришнинг асосий масалалари.....	99
Тураев Очил Ярашевич	
Инсофли солиқ тўловчиларни кўпайтириш – солиқ кўрсаткичларининг муҳим омили сифатида.....	102
Абдурасулов Алишер Абдурасулович	
Ўзбекистоннинг солиқ сиёсати – макроиқтисодий барқарорликни таъминлашнинг муҳим омилидир...106	
Ҳотамов Алишер Фарходович	

Jurnal sayti: <https://yashil-iqtisodiyot-taraqqiyot.uz>

Yashil

IQTISODIYOT va TARAQQIYOT

Ijtimoiy, iqtisodiy, siyosiy, ilmiy, ommabop jurnal

Ingliz tili muharriri: Feruz Hakimov

Musahhih: Xondamir Ismoilov

Sahifalovchi va dizayner: Iskandar Islomov

2024. Maxsus son

© Materiallar ko'chirib bosilganda "Yashil" iqtisodiyot va taraqqiyot" jurnali manba sifatida ko'rsatilishi shart. Jurnalda bosilgan material va reklamalardagi dalillarning aniqligiga mualliflar ma'sul. Tahririyat fikri har vaqt ham mualliflar fikriga mos kelamasligi mumkin. Tahririyatga yuborilgan materiallar qaytarilmaydi.

Mazkur jurnalda maqolalar chop etish uchun quyidagi havolalarga maqola, reklama, hikoya va boshqa ijodiy materiallar yuborishingiz mumkin.

Materiallar va reklamalar pullik asosda chop etiladi.

El.Pochta: sq143235@gmail.com

Bot: [@iqtisodiyot_77](https://t.me/@iqtisodiyot_77)

Tel.: 93 718 40 07

Jurnalga istalgan payt quyidagi rekvizitlar orqali obuna bo'lishingiz mumkin. Obuna bo'lgach, [@iqtisodiyot_77](https://t.me/@iqtisodiyot_77) telegram sahifamizga to'lov haqidagi ma'lumotni skrinshot yoki foto shaklida jo'natishingizni so'raymiz. Shu asosda har oygi jurnal yangi sonini manzilingizga jo'natamiz.

"Yashil" iqtisodiyot va taraqqiyot" jurnali 03.11.2022-yildan O'zbekiston Respublikasi Prezidenti Adminstratsiyasi huzuridagi Axborot va ommaviy kommunikatsiyalar agentligi tomonidan №566955 reyestr raqami tartibi bo'yicha ro'yxatdan o'tkazilgan.

Litsenziya raqami: №046523. PNFL: 30407832680027

Manzilimiz: Toshkent shahar, Mirzo Ulug'bek tumani
Kumushkon ko'chasi, 26-uy.



Jurnalning ilmiyligi:

"Yashil" iqtisodiyot va taraqqiyot" jurnali

O'zbekiston Respublikasi
Oliy ta'lim, fan va innovatsiyalar
vazirligi huzuridagi Oliy
attestatsiya komissiyasi
rayosatining
2023-yil 1-apreldagi 336/3-
sonli qarori bilan ro'yxatdan
o'tkazilgan.